

Бола онадан икки хил миназ билан тугилади: бири – есам, ичсам, ухласам,- дейди. Бу – таннинг хумори, булар бўлмаса, тан жонга макон бўлолмайди. Ўзи ўсмайди, кувват топмайди. Яна бирори – билсам экан демаклик.

Нима кўрса, шунга талпиниб, ялтир-юлтирип нарса бўлса, унга кизикиб, оғзига солиб, таъмини татиб кўриб, томогига, бетига босиб караб, сурнай-карнай бўлса, товушига интилиб, сал каттаргач, ит хурсада, мол товуш чикарса-да, бирор кулса-да, бирор йигласа-да, тура югуриб, “Бу нима?”, “У нима нарса?”, “У нега ундай килади?”, “Бу нега бундай килади?” – деб кўзи кўрган, кулоги эшитганинг барини сўраб, тиним билмайди. Бунинг бари – билсам экан, кўрсан экан, ўргансам экан деган жоннинг хумори.

Дунёнинг кўринган хам кўринмаган сирларини тугаллаб, энг бўлмаса, оз-оздан билишга уринмаса, одамликдан бўлмайди. Билмаган ва билишга уринмаган жон, одам жони эмас, хайвон жони бўлади. Азалда Худо таоло хайвоннинг жонидан одамнинг жонини йирик яратган, бу – ишора билан яратгани.

Куввати етмаган, мияси тўлмаган ўша эси кам бола вактдаги “Бу нима?”, “У нима?” деб, бир нарсани сўраб билсам экан, деган интилиш- нинг уйку ва овкат истаги сабаб эсдан чикиб кетадиган хуморимизни, нега энди, эр етиб, акл киргач, ўрнини топиб – изланиб, эгасини топиб – сўраниб, илмга талпиниш йўлига солмас эканмиз?

Шундай аклни ўстириб, ўсишимизни юк- салтириб, хуморланиб йиккан хазинамизни кўпайтиш бу – жоннинг емиши эди. Жон тандан ортиқ эди, тан жонга бош уриши керак эди. Йўк, биз ундай килмадик, хакка- дай шакиллаб, каргадай какиллаб, овулдаги гўнгтепадан нари ўтмадик. Жон бизни ёш ку- нимиздан бийлаб – бошкариб юрар экан. Эр етган сўнг, куч энган сўнг биз унга бийлатма- дик. Жонни танга бош ургиздик, хеч нарсага кўнгил билан карамадик, кўз билан хам яхши карамадик, кўнгил айтиб турганига ишонмадик. Кўз билан кўрган нарсаларнинг хам сир- тини кўрибок тўя колдик. Сири калай бўлади деб кўнгилга солмадик, уни билмаган кишининг нимаси кетибди деймиз, бошка нарсани билмаймиз, айтиб турса хам укмаймиз.

Кўкракда ўт йўк, кўнгилда ишонч йўк.

Бизнинг курук кўз билан кўрадиган хайвон, молдан нимамиз ортиқ? Кайта бола куни- мизда яхши эканмиз. Билсак-да, билмасак-да, билсак экан деган одамнинг боласи эканмиз.

Эндиликда хайвондан хам ёмонмиз. Хайвон билмайди, биламан деб талашмайди. Биз сира билмаймиз, нодонлигимизни билгичликка бермай, талашганда ўлар-тириларимизга ка- рамай, биз биламиз деб, бўйин томиримизни бўрттириб тортишиб ётамиз.